

## ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТИЗИМИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШГА УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАР

и.ф.н., доц. **Маматов Мамажон Ахматжанович**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0000-0001-7719-3283

[m.mamatov@tsue.uz](mailto:m.mamatov@tsue.uz)

**Аннотация.** Мақолада иқтисодий хавфсизликнинг турли даражаларини баҳолашни акс эттирувчи иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари матриқаси хамда иқтисодий хавфсизликнинг институционал тизимини тадқиқ этишга турли услугубий ёндашувлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** иқтисодий хавфсизликнинг институционал асослари, молиявий, ижтимоий, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, умумий ва хусусий кўрсаткичлар, матрица, институт.

## МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К ИССЛЕДОВАНИЮ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОЙ СИСТЕМЫ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

к.э.н., доц. **Маматов Мамажон Ахматжанович**  
Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация.** В статье развиваются различные методологические подходы к исследованию институциональной системы экономической безопасности в рамках матрицы показателей экономической безопасности, которая отражает оценку различных уровней экономической безопасности.

**Ключевые слова:** институциональные основы экономической безопасности, финансовые, социальные, производственные показатели, общие и частные показатели, матрица, институт.

## METHODOLOGICAL APPROACHES TO THE STUDY OF THE INSTITUTIONAL SYSTEM OF ECONOMIC SECURITY

PhD, assoc. prof. **Маматов Мамажон Ахматжанович**  
Tashkent State University of Economics

**Abstract.** In the article, a matrix of indicators of economic security reflecting the assessment of different levels of economic security, as well as various methodological approaches to researching the institutional system of economic security have been developed.

**Keywords:** institutional foundations of economic security, financial, social, production indicators, general and private indicators, matrix, institute.

### **Кириш.**

Мамлакатимизда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга катта таъсир кўрсатадиган янги технологик уклад талабларига мос келувчи иқтисодиётнинг институтионал асосларини трансформациялаш, сунъий интеллект ёрдамида ресурсларни оқилона тақсимлаш ва трансакцион харажатларни пасайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Маъмурий ислоҳотларнинг иккинчи босқичи сифатида келгуси йилда худудлардаги бошқарув тизими ҳам ислоҳ қилинади. Барча маъмурий ислоҳотлар доирасидаги янги ташабbusлар Конституциямизда албатта белгилаб қўйилиши лозим (Мурожаатнома, 2022).

### **Адабиётлар шарҳи.**

Иқтисодий хавфсизликнинг институтионал асосларини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини хорижлик олимлардан Кун, Лист, Перес, Норт, Коммонс, Девис, Бейнбридж, Шумпетер кабиларни келтириш мумкин.

Россиялик олимлардан Василевский, Иноземцев, Букреев, Рудық, Красильников, Латова, Сухарев ва бошқалар ушбу мавзуга бағишлиланган илмий-тадқиқот ишларини олиб борган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ваҳабов, Ўлмасов, Чепель, Абулқосимов, Расулов, Жўраев ва бошқаларнинг илмий изланишларида иқтисодиётнинг институтионал асосларини такомиллаштиришнинг назарий жиҳатлари бўйича атрофлича тадқиқотлар олиб борилган.

Норт ва Девисларнинг (1971) фикрига кўра, институтионал муҳит – бу асосий сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий қоидалар мажмуи бўлиб улар ишлаб чиқариш, айрбошлаш ва тақсимот учун баъзис яратади. Коммонс институтларни тарихий ривожланишидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни қўллаб-қувватлаб унга кўра "эволюцион" тушунчаси "институтионал" тушунчаси билан мазмун ва маъноси бир хил бўлади деб таъкидлайди (Квашницкий, 2007).

Рус олими Букреев ва Рудықнинг (2019) фикрига кўра, "давлатлар ўзларининг ресурс базаси, иқтисодий муносабатлар тизими ва миллий иқтисодий манфаатлар шунингдек, институтионал тузилманинг ўзига хос хусусиятлари асосида миллий иқтисодий хавфсизликни шакллантиришнинг турли хил варианtlарини комбинациялаштирадилар. Латов (2007) хulosасига кўра миллий иқтисодий хавфсизликнинг мақсади миллий иқтисодиётнинг самарали ишлаши учун институтионал асосни яратишdir деб баҳо беради.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан профессор Абулқосимов (2018): "Ушбу фикрларга асосланган ҳолда "иқтисодий хавфсизлик" тушунчасини миллий иқтисодиёт мустақиллиги, унинг барқарорлиги, мустаҳкамлиги, доимо янгиланишга ва ўз-ўзидан такомиллашиб боришга қодирлигини таъминловчи шарт-шароитлар ва омиллар йифиндиси деб таъкидлайди. Маъмуронинг (2020) фикрича, "Рақамли иқтисодиёт – иқтисодиётнинг таркибий қисмлари сифатида сунъий ақл(онг)дан фойдаланиш, иш жараёнларини роботлаштириш, ишлаб чиқариш жараёнида турмуш меҳнат харажатларини камайтириш, маҳсус компьютер дастурлари ёрдамида иқтисодий тизимларни моделлаштириш ва дастuriй қобилиятини оширишdir" деб холоса қиласидилар .

Бироқ янги саноат инқилобини шаклланиши шароитида миллий иқтисодий хавфсизлик муносабатларининг институтионал асослари, унинг халқаро назария ва амалиётни таҳлил қилиш, маълум ёндашувларни тизимлаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишига қаратилган илмий изланишларни олиб боришни тақозо этилмоқда.

### **Тадқиқот методологияси.**

Мақолада диалектика, тизимли, интеграл ва синергетика ёндашувлар, иқтисодий, мантиқий, илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, қиёслаш, умумлаштириш, гурухлаш ва жадвал усулларидан фойдаланилади

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Иқтисодий хавфсизлик тизимини таҳлил қилишнинг анъанавий ёндашуви турли даражадаги эҳтимолликлар билан маълум даражадаги иқтисодий тизимнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатиш қобилиятига эга бўлган ҳар хил турдаги таъсирларни ўрганишни ўз ичига олади. Иқтисодий хавфсизлик барча даражадаги иқтисодий тизимнинг атрибутий хусусиятини ўзида мужассамлаб, унинг ташқи муҳит омиллари сифатида кўриб чиқишига имкон беради ҳамда аниқ муносабатларнинг объектлари ва субъектлари бўлган ички муҳит омилларини, шунингдек таҳдидлар манбаларини бартараф этиш ва интерналлаштириш мақсадида яратилган ва уларни регламентловчи институтлар сифатида номоён бўлади.

Бу бизга ўсиб бораётган ноаниқликларни, таҳдидлар ва қаршиликларни умумий манбаи сифатида кўриб чиқишига имкон беради, жумладан, институционал таҳдидлар ва хавфлар мувозанат ҳолатини бузилишига олиб келади, бу эса транзакцион харажатлари ҳажмини ва иқтисодий тизим фаолиятининг асосий кўрсаткичларини ўзгариш йўналиши динамикаси учун потенциал имкониятлар яратади. Тавакалчиликлар ижобий, хавф ва таҳдидлар эса - салбий ўзгаришларни бошлайди. Миллий иқтисодиётнинг таваккалчилик манбалари қаршиликлар, хавф-хатарлар ва таҳдидларни амалга оширишга селектив ёндашувни амалга ошириш институционал лойиҳалар мазмунини, уни амалга ошириш инструментлари ва самарадорлик кўрсаткичлари нуқтаи назаридан субъектив таркибини аниқлаштириш имконини беради.

Бугунги кунда иқтисодий хавфсизлик даражасини аниқлаш (умуман давлат, минтақа ёки хўжалик юритувчи субъект) ва унинг миқдорий баҳолаш муаммоси айниқса долзарбдир, бунинг учун турли хил усуллар қўлланилади, масалан, таҳликали чегаравий кўрсаткичлар, таҳдид даражаси бўйича таснифлаш учун эксперт баҳолаш, математик моделлаштириш усуллари. Мавжуд усуллардан фойдаланиш иқтисодий хавфсизлик нуқтаи назаридан давлатнинг умумий рейтингдаги ўрнини баҳолашга ва шу асосда вазиятни яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишига имкон беради.

Иқтисодиёт энг мураккаб динамик тизим сифатида унинг ҳолати ва такрор ишлаб чиқариш ва ривожланиш қобилиятини акс эттирувчи юзлаб кўрсаткичлардан фойдаланиш билан тавсифланади, уларни қўллаш соҳасида Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлиги ҳолатини баҳолашда кўплаб тадқиқотлар ўтказилган ва нашр этилган[8]. Давлат сиёсатини ишлаб чиқишида иқтисодиётни нафақат сифат, балки хавфлардан холи бўлган тарзда ривожланиш чегараларини миқдор жиҳатдан ҳам белгилаши талаб этилади. Демак, мамлакатда иқтисодий хавфсизлик ҳолатининг сустлашишига маълум бир чегара доирасида йўл қўйилиши мумкин. Иқтисодий хавфсизлик учун кўрсаткичларнинг ўзи эмас, уларнинг чегаравий миқдори муҳим аҳамиятга эга. Шу чегараларга риоя қилмаслик такрор ишлаб чиқаришнинг турли элементларини нормал тараққий этишига тўсқинлик қиласи. Иқтисодий хавфсизликда негатив, бузувчи жараёнларнинг шаклланишига олиб келади.

Иқтисодиётнинг ривожланишини белгиловчи асосий ва энг муҳим бўлган макроиқтисодий кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

1) мамлакатнинг умумий иқтисодий салоҳиятини тавсифловчи иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари: ялпи ички маҳсулот ва ялпи миллий маҳсулот динамикаси ва унинг таркибий тузилмаси; саноат ишлаб чиқариш ҳажми, суръати ва таркибий кўрсаткичлари; инвестициялар ва инновациялар ҳажми; иқтисодиётнинг тармоқ

тузилиши ва алоҳида тармоқлар динамикаси; зарар билан ишлайдиган корхоналарнинг улуши ва ҳоказо.;

2) ижтимоий соҳанинг умумий ҳолатини тавсифловчи аҳолининг турмуш даражаси ва сифати кўрсаткичлари: аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ёки ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқариш; шахсий даромадлар, истеъмол харажатлари, уларнинг ўсиш суръатлари; турмуш даражаси ва истеъмол нархлари; иш ҳақи ва минимал яшашнинг нисбати(таннархи); даромадларни табақалаштириш; ишсизлик даражаси, бандлик даражаси; ижтимоий дастурлар бўйича харажатлар; уй-жойнинг арzonлиги; умр қўриш давомийлиги, унумдорлик, ўлим ва бошқа демографик хусусиятлар; "ялпи инсон тараққиёти индекци" ва бошқалар.;

3) ишлаб чиқариш, табиий ресурслар, илмий-техник, инсон ва интеллектуал салоҳиятни тавсифловчи кўрсаткичлар: ресурсларни тежаш кўрсаткичлари; ишлаб чиқариш омилларини такрор ишлаб чиқариш ҳолати; илмий технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги ва бошқалар.;

4) ташқи омилларга боғлиқликни тавсифловчи кўрсаткичлар: инфляция даражаси; миллий валютанинг барқарорлиги; ички ва ташқи қарздорлик, инвестицион жозибадорлик, ишбилармонлик фаоллиги даражаси;

5) иқтисодиёт даражаларининг ўзаро боғлиқлигини тавсифловчи кўрсаткичлар: макро даража учун бу мамлакатнинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви кўрсаткичлари: экспорт, импорт, салдоси; импортга боғлиқлик; ички истеъмолдаги импорт улуши; моддий ишлаб чиқаришда экспорт улуши ва бошқалар;

6) хуфёна иқтисодиёт фаолиятини тавсифловчи кўрсаткичлар: рўйхатдан ўтмаган ва тақиқланган фаолиятдан олинган даромадларнинг ЯИМ ва ЯММдаги улуши.

Минтақанинг иқтисодий хавфсизлиги кўрсаткичлари тизимида (мезо-даражада) қўйидагилар мавжуд:

1) минтақанинг умумий иқтисодий салоҳиятини тавсифловчи кўрсаткичлар: аҳоли жон бошига ялпи худудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми; асосий воситаларнинг амортизация даражасини акс эттирувчи кўрсаткич; минтақа иқтисодиётiga кирадиган инвестицияларнинг ЯҲМга нисбати;

2) ижтимоий соҳанинг умумий ҳолати кўрсаткичлари: ижтимоий дастурлар бўйича харажатларнинг ЯҲМга нисбати; меҳнатга лаёқатли аҳолининг умумий сонидаги ишсизларнинг улуши; ўртача иш ҳақи ва яшаш минимумининг нисбати;

3) давлат бюджети билан минтақанинг махаллий бюджетини молиявий муносабатларини ҳолатини тавсифловчи кўрсаткич: республика бюджетдан минтақага трансфер ёрдам миқдорининг, минтақадан республика бюджетига келадиган даромад миқдорига нисбати.

Иқтисодий субъектнинг иқтисодий хавфсизлигини тавсифловчи микро даражадаги иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичларига қўйидагилар киради:

1) иқтисодий кўрсаткичлар: ишлаб чиқариш ҳажми ва даражаси кўрсаткичлари; ишлаб чиқариш ва даромад динамикаси ва тузилиши; фаолиятни диверсификация қилиш ва алоҳида соҳалар динамикаси; инвестициялар;

2) ишлаб чиқариш, илмий-техник, кадрлар, интеллектуал, табиий ресурс салоҳиятини тавсифловчи кўрсаткичлар;

3) бошқарув механизмининг динамикаси ва мослашувчанлиги кўрсаткичлари;

4) корхонанинг ( фирманинг) ташқи омиллардан боғлиқлиги кўрсаткичлари: макроиқтисодий омилларнинг таъсири; инвестицион жозибадорлик; инфляция даражаси; миллий валютанинг барқарорлиги; бюджет тақчиллиги.

Бироқ, иқтисодий хавфсизликни ҳар томонлама баҳолаш учун объект миқёсига мувофиқ даражаларга ажратиш етарли эмас, чунки иқтисодий хавфсизлик даражасига ишлаб чиқариш, илмий-техникавий, молиявий, ижтимоий-демографик, ижтимоий, озиқ-овқат ва экологик омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Шунинг учун кўрсаткичларнинг

учта умумлаштирилган гурухини ажратиб кўрсатиш керак: ишлаб чиқариш, ижтимоий ва молиявий. Шу билан бирга, ижтимоий кўрсаткичлар демографик, ижтимоий ва маданий қадриятлар таркибий қисмларнинг бирлигига, ишлаб чиқариш эса ишлаб чиқариш-технологик, меҳнат, табиий-ресурс тизимларининг бирлигига кўриб чиқилиши керак.

### 1-жадвал

#### Иқтисодий хавфсизлик даражасини баҳолаш кўрсаткичлари матрикаси

Даража		Макродаража	Мезодаража	Микродаража
Молиявий	Умумий	Инфляция даражаси % Йил якуни бўйича монетизация даражаси,(M2) ЯИМга нисбатан %да		
	Хусусий	Давлат бюджет тақчиллиги. ЯИМга нисбатан %да	Минтақа бюджети тақчиллиги, ЯИМга нисбатан %да	Сотиш рентабеллиги коеффициенти
		Йил якунида ялпи ташқи қарз ҳажми. ЯИМга нисбатан %	Ялпи ташқи қарз ҳажми, йил якуни бўйича ЯХМга нисбатан %да	Қарзнинг ўз капитали ҳажмига нисбати
		Ялпи ички қарз ҳажми, йил якунига ЯИМга нисбатан %да	Ялпи ички қарз ҳажми. Йил охиридаги ЯХМганибатан %да	Иш ҳақи бўйича қарзлар ҳажмини йил якунидаги фойдага нисбати %да
		Ички қарзга хизмат кўрсатишнинг жорий эҳтиёжи. бюджет даромадларига нисбатан %да	Ички қарзга хизмат кўрсатишнинг жорий эҳтиёжи, бюджет даромадларига нисбатан %да	Жорий ликвидлик коеффициенти
Ижтимоий	Умумий	Аҳолининг умр кўриш давомийлиги, йиллар Ишсизлик даражаси. %да		
		Даромадлари яшаш минимуми даражасидан паст бўлган аҳоли улуши, %да		
		Даромадлар дефференцияси, марта		
		Аҳоли жон бошига ўртача пул даромадларининг яшаш минимуми нисбати, марта	Ўртача иш ҳақининг яшаш минимуми нисбати,%да	Ўртача иш ҳақининг саноатнинг ўртача даражасига нисбатан %да
	Хусусий	Депопуляциянинг шартли коеффициенти	Депопуляциянинг шартли коеффициенти	Ходимлар кўнимсизлиги коефценти
		Ижтимоий дастурларга сарфланган харажатларнинг ЯИМга нисбати	Ижтимоий дастурларга сарфланган харажатларнинг ЯХМга нисбати	Ижтимоий дастурларга сарфланган харажатларнинг корхона балансига нисбати
Ишлаб чиқариш	Хусусий	Моддий ишлаб чиқаришда экспортнинг улуши (%да)		
		Импорт қилинадиган озиқ – овқат маҳсулотларининг ЯИМдаги улуши %да		
		Саноатда қайта ишлаш тармоқларининг улуши %да		
		ЯИМнинг умумий ҳажми жаҳоннинг ўртача кўрсаткичига нисбатан%	ЯХМ ҳажми. дунё ўртача кўрсаткичига нисбатан %да	Корхонанинг товар айланмаси даражаси
		Аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми. дунё ўртача кўрсаткичига нисбатан %да	Аҳоли жон бошига ЯХМ ҳажми. дунё ўртача кўрсаткичига нисбатан %да	Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган рентабеллик даражаси

**Манба:** муаллифлар тадқиқотлари асосида тузилган.

Мамлакатда иқтисодий хавфсизлик даражасини баҳолаш учун кўрсаткичлар матрицасини тузамиз, кўрсаткичларни иккита мезон бўйича тақсимлаймиз: иқтисодий хавфсизлик даражаси (устунлар) ва индикатор тури (сатрлари), шунда қаторлардаги кўрсаткичлар таққосланадиган ва мос келадиган даражада учун тенг оғирлик қийматига эга бўлиши керак. Гуруҳлар ичида биз барча ижтимоий-иктисодий жараёнларга умумий таъсир кўрсатадиган умумий кўрсаткичларни ва фақат кўриб чиқилаётган даражадаги субъектларни тавсифловчи хусусий кўрсаткичларни ажратамиз. Шундай қилиб, умумий кўрсаткичларни баҳолаш глобал қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун асос бўлади ва алоҳида хусусий кўрсаткичларнинг қийматлари тегишли даражадаги муайян таҳдидларга қарши курашиш йўналишларини аниқлаш учун асос бўлади, яъни. хусусий кўрсаткичлар нафақат хавфсизликнинг ҳозирги даражасини кўрсатиш, балки таҳдидларга қарши курашишнинг устувор йўналишларини танлаш имконини бериши керак. Шу билан бирга, кўрсаткичлар сифатида нафақат иқтисодий хавфсизликка мавжуд таҳдидларни акс эттирувчи, балки зарур сезигрлик ва юзага келиши мумкин бўлган хавфлардан огоҳлантириш қобилиятига эга бўлган кўрсаткичларни ажратиб кўрсатиш муҳимdir (Ханирова, 2014).

Иқтисодий хавфсизликнинг турли даражаларини баҳолаш учун кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги ва тизимлаштирилиши натижаларини акс эттирувчи иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари матрицаси 1жадвалда келтирилган. Кўрсаткичлар таркибига мамлакатдаги иқтисодий хавфсизликнинг ҳақиқий ҳолатини акс эттирувчи индикаторларнинг максимал сонини киритиш ҳар бир давлат учун долзарб вазифадир. Асосий муаммо ушбу индикаторларнинг максимал ва минимал рухсат этилган қийматларини аниқлашда ётади. Шу билан бирга, шуни ёдда тутиш керакки, индикаторлар таркиби мамлакатга қараб ўзгаради, шунингдек иқтисодий хавфсизлик тизимини баҳолаш учун минтақавий ва миллий кўрсаткичлар фарқ қилиши мумкин.

Иқтисодий хавфсизликни институционал таъминлашга йўналтирилган субъектлар фаолияти бу уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсиридан келиб чиқади, доимо хамкорликда ҳаракат қилишлари ва иқтисодий хавфсизлик соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тескари алоқага асосланиши керак (Герасимова, 2015). Давлат сиёсатини амалга оширишда тескари алоқа тизимининг мавжуд эмаслиги амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарасизлигига олиб келиши мумкин. Қайта алоқа тамойилини амалга ошириш умумдавлат даражада ҳам, давлат субъектлари даражасида ҳам, минтақавий даражада ҳам долзарбдир. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги замонавий қонунчилиги барча субъектлар ўртасидаги яқин муносабатларни назарда тутади, чунки давлатнинг иқтисодий хавфсизлигининг асоси фуқароларнинг иқтисодий хавфсизлиги ҳисобланади. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ давлат ичида ҳам, халқаро миқёсда ҳам амалга оширилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти вакиллик органлари мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун институционал муҳитни шакллантирадиган иқтисодий хавфсизликни бошқарув субъектларига тегишилдири. Хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги институционал муҳитнинг, тегишли мезонларини ўрнатиш, мамлакат иқтисодий хавфсизликнинг мақсадлари ва устувор йўналишларини мувофиқлаштириш бугунги кун илмий тадқиқот ишларининг долзарб йўналиши бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун унинг институционал асослари доирасини белгилаб берадиган, мезо-ва микроиктисодий даражасида ижтимоий - иқтисодий ривожланиш учун зарур шарт-шароитларни яратувчи институтлар зарур. Мавжуд тузилмалар жамоат тартибини ва ижтимоий мажбурлаш омилларидан келиб чиқадиган чекловларни, стандартларни ўзида мужассам этган,

уларнинг ўзаро таъсири мамлакатинг иқтисодий хавфсизлик тизимининг самарали фаолиятини таъминлайди. Ушбу институтларнинг асосий вазифаси жамиятда мутлақо янги муносабатларни ўрнатишдир. Улар ҳуқуқлар, мажбуриятлар, масулиятлар, чекловлар, рухсатномаларни ўрнатганлиги сабабли янги имкониятлар яратадилар, яъни улар янги муносабатлар тузилмаларини шакллантирадилар.

Ташқи иқтисодий хавфсизлик соҳасидаги сиёsat мамлакатнинг яхлит иқтисодий тузилмаси сифатида барқарор, мустақил ривожланиши, самарали ва оқилона ташқи иқтисодий алоқаларга асосланган табиий иқтисодий ўсиши, инсон фаолиятининг аксарият соҳаларида инновацион инқилобни таъминлашга қаратилган бўлиши керак (Асабаев, 2022). Мамлакатни миллий иқтисоий хавфсизлигини таъминлашнинг ташқи иқтисодий механизми тўғри амалга оширилиши натижасида миллий иқтисодиётнинг ташқи таҳдитларга қарши туриш қобилиятини янада ошириш имконини беради. Маълумки, ҳар қандай иерархик тизим эртами-кечми бекарорлик ҳолатига ўтади ва мавжуд тизимнинг ўзгариши энг олдиндан айтиб бўлмайдиган тарзда содир бўлади. Бироқ, ушбу ўзгаришлар натижасида юқори даражадаги тартибга эга бўлган янада мураккаб неоплазмалар, тузилмалар пайдо бўлади. Синергетика нуқтаи назаридан тизимнинг барқарорлигини йўқотилишни фақат юқори даражадаги барқарорликни шакллантириш билан асослаш мумкин.

Хуроса сифатида миллий иқтисодий хавфсизликка таҳдидни конституциявий ҳуқуқлар, эркинликлар, фуқароларнинг муносиб турмуш даражаси ва сифати, суверенитет ва худудий яхлитлиги, барқарор ривожланиш, давлат мудофааси ва хавфсизлигига бевосита ёки билвосита зарап етказиш эҳтимолидир. Шу билан бирга, ички тавсифдаги таҳдидларга: "иқтисодиёт ва жамиятнинг криминаллашуви, этник ва миллатлараро кескинликнинг кучайиши, иммиграция даврида демографик инқироз, эмиграция даврида мамлакат мудофа курдатини ва илмий-техник салоҳиятнинг пасайиши; ташқи таҳдидларга - халқаро терроризм, давлат чегаралари яқинида қуролли тўқнашувларнинг пайдо бўлиши ва улар билан боғлиқ жараёнлар, иммиграция даврида "капитал қочиб кетиши" ва "ақллилар"ни кўчиб кетишини таъкидлаб ўтиш мумкин.

### **Хуроса ва таклифлар.**

Иқтисодий хавфсизлик бу - мамлакатни хавф ва таҳдидлардан ҳимояланганлик билан боғлиқ унинг иқтисодий салоҳиятнинг изчил ривожланишини белгилайдиган ва жамиятнинг барча аъзоларининг турмуш фаровонлигини барқарор ўсишини таъминлайдиган иқтисодий муносабатлардир.

Иқтисодий хавфсизликни ҳар томонлама баҳолаш учун объект миқёсига мувофиқ хавфсизликнинг макроиқтисодий, мезодарражадаги микродарражадаги кўрсаткичлар тизимиға мувофиқ даражаларга ажратиш етарли эмас, чунки иқтисодий хавфсизлик даражасига ишлаб чиқариш, илмий-техникавий, молиявий, ижтимоий-демографик, ижтимоий, озиқ-овқат ва экологик омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Шунинг учун кўрсаткичларнинг учта умумлаштирилган гуруҳини ажратиб кўрсатиш керак: ишлаб чиқариш, ижтимоий ва молиявий мақсадга мувофиқ бўлади.

Институционал тузilmани трансформацияси экзоген, эндоген ва комбинацион синергетик таъсир орқали институционал тузilmаларга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар таъсирида содир бўлиши мумкин.

Иқтисодий хавфсизликка таҳдидлар-бу иқтисодий тизим ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларга салбий таъсир кўрсатадиган, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий манбаатларига путур етказадиган ҳодиса ва жараёнлардир.

Миллий иқтисодий хавфсизликка таҳдид бу- конституциявий ҳуқуқлар, эркинликлар, фуқароларнинг муносиб турмуш даражаси ва сифати, суверенитет ва худудий яхлитлиги, барқарор ривожланиш, давлат мудофааси ва хавфсизлигига бевосита ёки билвосита зарап етказиш эҳтимолидир.

**Адабиётлар/Литература/References:**

Davis L., North D. (1971) *Institutional Change and American Economic Growth.* – Cambridge, – pp. 5-6.

Абулқосимов Ҳ.П. (2018) *Мамлакат иқтисодий хаевфисизлигини таъминлашнинг назарий жиҳатлари. XXI аср: фан ва таълим масалалари*” илмий электрон журнали. №3.

Асабаев А.С. (2022) *Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятидаги хаевфисизлиги: интеграциялашув ва таҳдитлар.* “Иқтисодиёт ва таълим” журнали №3. –Б.143.

Асатуллаев Х.С., Маматов А.А., Жўраев Т.Т. (2023). Иқтисодий хаевфисизлик (Дарслик). –Т.: «ТМИ нашриёти», Б.26.

Букреев В. В., Рудык Э. Н. (2019) Противодействие внешнему управлению стратегическими промышленными предприятиями России // Альтернативы.– № 2. – С. 92-101.

Герасимова В. В. (2015) Институциональные ловушки современного общественного развития, обусловленные коррупционными взаимосвязями / В. В. Герасимова, Н. В. Манохина // Вестник Поволжского института управления.– № 3 (48). – С. 4-11.

Квашицкий, В. (2007) Истоки эволюционной экономики / В. Квашицкий // Истоки: из опыта изучения экономики как структуры и процесса / [редакционная коллегия: Я.И. Кузьминов и др.]. - 2-е изд. - Москва: Изд. дом ВШЭ, – С.95.

Латов Ю. В. (2007) Российская теневая экономика в контексте национальной экономической безопасности // Экономический вестник Ростовского государственного университета.– Т. 5. – № 1. – С. 16-27.

Маъмурев Б.Х. (2020) Ўзбекистонда рақами иқтисодиётни ривожлантиришнинг концептуал асослари ва хориж тажрибаси. Иқтисодиёт ва таълим журнали. № 4. –Б.44.

Мурожаатнома (2022) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси 21.12. 2022 иил.

Ханирова Е. Х. (2014) Матрица показателей экономической безопасности / Е. Х. Ханирова // Вестник экономики, права и социологии.– №4. – С. 97-100.